
Хитойнинг “Xin Fa Di” компанияси билан мева сабзавотчилик йўналишида ўзаро савдо алоқалари йўлга қўйилади.

Бугунги кунда Қува туманида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари нафақат МДХ давлатлари билан бир қаторда Европа ва бошқа давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Экспорт кўламини кенгайтириш, етиштирилган маҳсулотлар учун янги бозорларни топиш мақсадида Қува тумани ҳокими Халимжон Умаров Хитойнинг “Xin Fa Di” компанияси вакиллари қабул қилди.

Учрашувда туманда етиштирилган маҳсулотларни етказиб бериш борасида муҳокамалар ўтказилди.

Шунингдек тумандаги тадбиркорлар томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш йўналишида амалга ошираётган ишлари билан яқиндан танишдилар.

2023-10-12 11:10:16